O'zbekiston Respublikasi
Surxondaryo viloyati xalq
deputatlari Angor tuman
Kengashining
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
Ангорского районного
Кенгаша народных депутатов
Сурхандарьинской области
Республики Узбекистан

2019 yil 18 декабрь № 263/V-54 Ангор т.

**Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Ангор туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Ангор тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Сурхондарё вилояти Молия бош бошқармасининг 2019 йил 17 декабрдаги 02-01-07/6075-сонли хати билан хулоса олинганлиги ҳамда туман Молия бўлими мудири О.Мамаюсуповнинг ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- айланмадан олинадиган солиқ;
- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– бензин, дизель ёкилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана сотиш ҳукукини бериш учун йиғим;

– конун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 65 фоиз миқдори туман маҳаллий бюджетига ҳамда 35 фоизи вилоят маҳаллий бюджети ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туман бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман маркази сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1080771000 (бир миллиард саксон миллион етти юз етмиш бир минг) сўм

миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармалари маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йилги Ангор тумани маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 721200000 (етти юз йигирма бир миллион икки юз минг) сўм миқдорида 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилишини инобатга олган ҳолда Кенгаш қарорига асосан ишлатилиши белгилансин.

12. Туман ҳокимлиги чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига берилишини таъминласин.

16. Туман ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш,

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Кенгашга маълумот киритсин.

17. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим соликлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни туманнинг "Ангор ёғдуси" газетасида ёритиб борилиши таъминлансин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Сессия раиси** **У.Я.Турапов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI ANGOR TUMAN HOKIMI
DEVONXONA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
ANGOR TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
ХОКИМ
АНГОРСКОГО РАЙОНА

190200 Angor q. Al-Hakim At-Termiziy ko'chasi 58-uy, tel: 0(376) 31-22-012, fax: 0(376) 31-22-012

20/9 yil "18" декабрь 565/101-20 - sonli

**Ангор туман адлия**
**бўлими бошлиғи**
**Р.Э.Бердиевга**

Ангор туман ҳокимлиги Сизга, Сурхондарё вилоят халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг "Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиклаш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига кўра ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юбормокда.

*Илова: Қарор лойиҳаси ва иловалари, "12" варақда.*

**Туман ҳокими**
**вазифасини бажарувчи** **У.Я.Туранов**

SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
Angor tuman Adliya bo'limi
Kirish № 5/144
Sana 18.12.2019 y.

# МАЪЛУМОТНОМА

**2019 йил 14 декабрь** **Ангор қўрғони**

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлигини инобатга олган ҳолда ҳамда мазкур конуннинг18-моддасига асосан Халқ депутатлар Ангор туман Кегашининг “Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлар Ангор туман Кегашининг “Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилик техникаси ҳамда қоидаларига мувофиқ тайёрланган.

Ушбу қарор лойиҳаси 2019 йил 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (regulation.gov.uz) жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун №11314-сонли рақам билан жойлаштирилди ва қарор лойиҳаси мухокамаси юзасидан таклифлар билдирилмади.

**Туман ҳокимлиги**
**бош юрисконсульти** **Ч.Халиков**

Халқ депутатлари
Ангор туманий Кенгашининг
2019 йил ___ ___ даги
___-сонли қарорига
1-илова

**2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**


минг сўмда

| Т/Р | Даромад турлари | Жами |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **49 155 364,0** |
| 1 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 3 819 517,0 |
| 2 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жимоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 1 768 523.0 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 16 564 213.0 |
| 4 | Қўшилган киймат солиғи | |
| 5 | Акциз солиғи, жами | 15 347 656.0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | *4 862 810,0* |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 577 828,0 |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 2 273 757,0 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | 2 487 854,0 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 4 120 612,0 |
| 10 | Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ (поруда материаллари) | 9 327,0 |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 143 010,0 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Ижара тўлови | 218 301,0 |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | |
| 16 | Йиғимлар | 1 824 766,0 |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

Халқ депутатлари
Ангор тумани Кенгашининг
2019 йил ___ ___ даги
___-сонли қарорига
2-илова




# 2020 йил учун Ангор тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган параметр ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

| № | Кўрсаткичлар | Миқдори |
|---|---|---|
| | **Харажатлар миқдори, Жами** | **73 132,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 73 132,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар | |
| 1. | **Халқ таълими бўлими** | 4 019,1 |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 4 019,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 2. | **Мактабгача таълим бўлими** | **3 172,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 3 172,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 3. | **Ўрта махсус касб хунар таълим бошқармаси** | **0,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 4. | **Соғлиқни сақлаш муассасалари** | **38 932,2** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 38 932,2 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 5. | **Маданият бўлими** | **2 032,8** |
| | *шу жумладан:* | |

| | | |
|---|---|---|
| | жорий харажатлар | 2 032,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 6. | **Жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | 866,7 |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 866,7 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 8. | **Қишлоқ хўжалиги бўлими** | **554,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 554,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 9. | **Ирригация тизимлари хавза бўлими** | **788,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 788,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 15. | **Ветеринария бўлими** | **737,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 737,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 18. | **Меҳнат бўлими** | **559,3** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 559,3 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 22. | **Молия бўлими** | **808,5** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 808,5 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 23. | **Пенсия бўлими** | **438,8** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 438,8 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |

| | | |
|---|---|---|
| 24. | **Ободонлаштириш бошкармаси** | **4 811,1** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 4 811,1 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция килиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 25. | **Давлат ҳокимият органлари** | **15 357,4** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 15 357,4 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция килиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 26. | **Ижтимоий мослашув марказлари** | **53,6** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 53,6 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция килиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

Халқ депутатлари
Ангор тумани Кенгашининг
2019 йил «__» _____даги
_____-сонли қарорига
3-иловa

ASLIGA TO'G'RI
ANGOR TUMAN HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM MUDIRI

## Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

| Т/р | Шаҳар ва туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Ягона солиқ тўлови | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жимоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Норуда қурилиш материаллари учун ер қазилган фойдаланганлик учун солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслар ер солиғи | Йиғимлар | Ижара тўловлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ангор тумани | 0 | 100 | 100 | 65 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

Халқ депутатлари
Ангор тумани Кенгашининг
2019 йил ... декабрдаги
...-сонли қарорига
4-илова

ASLIDAN TO'G'RI NUSXA
ANGOR TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM MUDIRI

**Ангор туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми**

минг сўмда

| Ҳудуд номи | Даромад | Харажат |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **49 155 364,0** | **73 132 180,0** |
| Ангор тумани | 49 155 364 | 73 132 180 |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

Халқ депутатлари
Ангор тумани Кенгашининг
2019 йил ___ -сонли қарорига
5-илова

ASLIGA TO'G'RI
ANGOR TUMANI HOKIMLIGI
UMUMIY BO'LIM MUDIRI

**Ангор туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори**

минг сўмда

| Шаҳар ва туманлар | Тартибга солувчи трансферт миқдори |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **23 976 816,0** |
| *Шундан* | *23 976 816,0* |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

Халқ депутатлари
Ангор тумани Кенгашининг
2019 йил «__» _____ даги
сонли қарорига
1-илова

Ангор туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

| Т/р | Ҳудуд номи | Миқдор |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | 721 200,0 |
| | *Шундан* | |
| 1 | Ангор тумани | 721 200,0 |

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари С.Жумаев

Молия бўлими мудири О.Мамаюсупов

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
**АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ**
**АНГОР ТУМАНИ**
**АДЛИЯ БЎЛИМИ**

190200, Ангор тумани, Гагарин кўчаси, 5-уй
Тел.: (0 - 376 31) 22-208, эл. почта: angor-t@adliya.uz

**УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ**
**СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**
**ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ**
**АНГОРСКОГО РАЙОНА**

190200, Ангорский район, ул. Гагарина, дом №5
Тел.: (0 - 376 31) 22-208, эл. почта: angor-t@adliya.uz

2019 йил 18 декабрь
№ 1-75/1-155

**Ангор туман ҳокими**
**вазифасини бажарувчи**
**У.Я.Тураповга**

2019 йил 14 декабрдаги
565/01-20-сонли хатга

Ангор туман адлия бўлими "Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг, расмий нашрда эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (2008 йил10 сентябрь рўйхат рақами 1856,)га мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қогозва электрон шаклларда адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.

Илова: варақда.

**Туман адлия**
**бўлими бошлиғи** **Р.Э.Бердиев**

Ижрочи: П.Бобомўминов
Тел: 312-22-08

олдим: 18.12.2019

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ангор туман адлия**
**бўлими бошлиғи**

**_____ Р.Э.Бердиев**

**Ангор туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан**

**Х У Л О С А С И**

2019 йил 18 декабрь Ангор тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг “Ангор туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиклаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

**А Н И Қ Л А Н Д И :**

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99 моддаларига асосан ушбу қарорни қабул қилиш Кенгаш ваколатига киради.

Қарор иловаларида келтирилган Ангор туманининг маҳаллий бюджети 2019 йил даромадларининг режа кўрсаткичлари ва туман маҳаллий бюджети харажатларининг 2020 йилги режа кўрсаткичлари туман молия бўлими билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг ушбу қарори лойиҳаси конун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

## ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг “Ангор туманинг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун халқ депутатлари Ангор туман Кенгашига юборилсин.

**Ангор туман адлия бўлими**
**бош маслаҳатчиси** **П.Бобомўминов**